



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

FACTORS FOR THE HEALTH OF THE SPIRITUAL MORAL WORLD OF THE YOUNGER GENERATION

Nuriddin M. Akhmadiev

Doctor of philosophy in Philosophy (PhD)

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: spiritual maturation, moral culture, factors of upbringing, social development, science and science, continuity of upbringing, education and development.

Received: 22.12.22

Accepted: 24.12.22

Published: 26.12.22

Abstract: this article is devoted to the issues and factors of improving the spiritual and moral world of youth in today's era of globalization, the formation of high human qualities in it. The author's reviews are presented on examples.

ЁШ АВЛОДНИНГ МАЊАВИЙ АХЛОҚИЙ ДУНЁСИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Нуриддин М. Ахмадиев

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мањавий камолот, ахлоқий маданият, тарбия омиллари, ижтимоий ривожланиш, илм ва хилм, тарбия, таълим ва тараққиёт узвийлиги.

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг мањавий ахлоқий дунёсини соғломлаштириш, уларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш масалалари ва омилларига эътибор қаратилган. Муаллифнинг фикр-мулоҳазалари мисоллар мисоллар асосида баён этилган.

ФАКТОРЫ ОЗДОРОВЛЕНИЯ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО МИРА ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

Нуриддин М. Ахмадиев

Доктор философских наук (PhD)

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: духовное созревание, нравственная культура, факторы воспитания, общественное развитие, наука и наука, непрерывность воспитания, образования и развития.

Аннотация: данная статья посвящена вопросам и факторам оздоровления духовно-нравственного мира молодежи в сегодняшнюю эпоху глобализации, формирования в ней высоких человеческих качеств. Отзывы автора изложены на примерах.

КИРИШ

Бугунги маънавий баркамолликка асосланган тараққиёт даврида ёшлар ўртасида аҳлоқий қашшоқлашувни баъзи сифатлари, шакллари сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Бу жараёнда ёшларни аҳлоқий жиҳатдан таназзулдан асрар жамият олдиаги муҳим вазифаларидан биридир. Таъкидлаш лозимки, ижтимоий ривожланиш жараёнида ёш авлоднинг маънавий аҳлоқий дунёсини соғломлаштиришга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан долзарб саналади. Шунинг учун ҳам, “мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тутувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол униб-ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносаб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуғ инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нуронийни чукур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ[1]” эканлигини англаб ет япмиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Янги тараққиёт даври, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятларини, жамият ривожидаги ушбу устувор масаланинг ечимиға қаратмоқда ва бу тадбирлар ўзиниг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш демократик партияси” “ёшлар қаноти” ҳамда олий мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан 30 июнь ёшлар куни муносабати билан партия фаолиятида Ёшлар қанотининг ўрни ва роли мавзууда давра сұхбатида ёшларни маънавий–аҳлоқий тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш, жумладан кекса авлод тажрибасидан самарали фойдаланиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, партия фаолиятида ёшларнинг хуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар танқидий тахлил қилинган. Партиянинг кекса вакиллари иштирокидаги сұхбатлар, тадбирлар давомида таъкидланганидек, ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намойиш этиши,

уларнинг шахсий фуқаролик маъсулиятини ислоҳатларга дахлдорлиги ошириш борасида ишлар амалга оширилган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Юксак билимли, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” экан, демак, илм-фанга, она ватанга муносабат ўз-ўзидан маънавиятли, баркамол инсон тарбиясида муҳим ўрин тутиши муқаррардир. Муносабат, шубҳасизки, шахснинг муомала маданиятидан келиб чиқади. Бу эса баркамоллик белгиси бўлган таълим ва тарбияга, маънавият ва маърифатга бориб боғланади. Ақлан, руҳан ва жисмонан соғлом авлодгина юртнинг порлоқ келажагидир. Қушнинг парвозини қўш қанотисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, инсоннинг иқболи ва юрт истиқболини ҳам таълим-тарбия ва маънавият-маърифатсиз тушуниш, идрок этиш мушкул.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси жараённида муомала маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Етук файласуф Аристотель санъат ва маданият оламининг пайдо бўлишидаги илк асос сифатида муомалани назарда тутгани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, француз адаби Антуан Сент-Экзюперининг “Бу дунёдаги бирдан-бир ҳақиқий неъмат одамларнинг бир-бири билан мулоқотидир”, деган фикрида теран маъно бор.

Таълим талаби нутқ билан, тарбия талаби хулқ билан боғлиқ экан, шахс маънавияти, муомала маданияти, муомала сирлари ва одоби масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этаверади. Муомала “тарозиси”нинг икки палласи бўлиб, бири хулқ, иккинчиси нутқидир. Зоро, кишининг хулқи қандай бўлса, киши нутқи ҳам шундай бўлиши табиий. мутафаккир алишер навоий “кимнинг миясида иллат кўп бўлса, сўзида мантиқ бўлмайди. мияси соғлом бўлса, гап сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади” – дейишлари билан ҳақ. хулқ ва нутқ бирлашиб ўз рўёбини кўрсатса, киши ё хушфеъл, ё бадфеъл дейилади. Инсондаги ижобий фазилатлар уни комиллик сари юксалтирса, салбий иллатлар тубанлик қаърига тортади. Бу эса муомала жараённида яққол кўзга ташланади. Муомала инсон хулқининг ойнаси экани ойдинлашади.

Маърифатпарвар адаб Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида одамзот табиатидаги мақбул ва номақбул хислатларни қайд эта туриб, инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликлардан қайтаргувчи илм бу ахлоқ эканини таъкидлайди. *“Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айиур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхии ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўриниб турадур.*

Аммо нафсинг сурати кўзга кўринмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшлигига нафси бузулуб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабидур.”

Маърифатпарвар педагог Абдулла Авлоний хулқни яхши ва ёмонга ажратади. Яхши хулқлар таркибиға фатонат, диёнат, исломият, назофат, саъй ва гайрат, риёзат, шижаат, қаноат, илм, сабр, ҳилм, интизом, виждон, ватанин сўймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иқтисод, викор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайриҳоҳлик, мунислик, садоқат, адолат, муҳаббат, олиҳиммат ва авфни киритса, ёмон хулқларга ғазаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат, ҳамоқат, атолат, ҳасосат, раҳоват, аномият, адоват, намимат, ғийбат, ҳақорат, жибонат, ҳасад, кизб, нифоқ, тамаъ, зулм сингариларни киришини эътироф этади ва улар таърифида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтади. Буларнинг барчаси у ёки бу даражада одамлараро муносабат жараёнида кўлланилишидан кўз юмиб бўлмайди. Яхши тарбия топганларда яхши хулқлар, ёмон тарбия кўрганларда эса ёмон хулқлар ҳукмронлик қиласи. Бу эса муомала жараёнида ойдинлашади. Аслида, барча муаммоларнинг ечими муомалада эканини унутамиз ва муносабатларимизни чигаллаштирамиз.

“Нурнома”да келтирилишича, сарвари коинот “Мен етти дарё яратдим, уларнинг орасида бири илм дарёси, иккинчиси ҳилм дарёси” деб айтади. Шу ўринда, муомаланинг барчага дахлдор бўлган омили - ҳилм ҳақида сўз очиш моҳиятлидир. Бу ҳақида А. Авлоний шундай ёзади: “Ҳилм деб бўлар-бўлмас ишга аччиғланмайдурган, арслон юракли. Юмшоқ табиатли бўлмоқни айтилур. Ҳилм инсонларнинг табъидан хусумат, адоват, ғазаб, хиддат каби ёмон хулқларни йўқ қиласурган ҳар кимча мақбул бир сифатдур. Ҳилм илми ахлоқ юзасидан инсонга энг керакли нарсадур.”

Ҳалимтабиатлилик мулойимлиқдир. Жаҳл қилиш, ғазабланиш уларга ёт бўлишидан ташқари, фикрини босиқлиқ, вазминлик билан етказувчи кишилардир. Жаҳлнинг жилови шайтоннинг қўлида. Ҳалимтабиат инсон ўзгани эмас, ўзини енга олган киши мард ҳисоблайди. Бу уларнинг шиори. Демак, инсонлараро муомалада чин инсон бўлмак учун ҳаваснинг қўлига нафсинг жиловини бермайдирган, бўлар-бўлмас нарсалардан аччиғланмайдурган, совуққонли, юмшоқ табиатли, мулойим сўзли, ҳалим ва сабрли бўлмак лозимлиги уқтирилади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифлардан бирида “Ҳилм хулқларнинг саййидидур” дейилади. Суқрот ҳаким: “Шиддат ила муомала қилган кишиларга ман викор ва ҳалимлик ила муқобила қилурман, чунки ҳилм, шиддатни,

хусуматни паст қилур. Лекин кишини ожиз ва хорлик даражасига тушурадурган ҳалимликдан ман безор”, деб ёзганди.

Маърифатли, маънавияти юксак бўлган инсонлар муомала маданиятида қўпчиликка ибрат бўла олади. Хушмуомалалик, хушфеъллик, беозорлик, мулойимлик, ҳаё-иболилик уларнинг ҳуснига ҳусн, обрўсига обрў қўшган. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ” – дея бежиз таъкидламаган. Беандишалик, бефаҳмлик, бефаросатлик эса кишини ақлдан, ҳаёдан жудо қилади. Шарқ одобномасида қаерга бориш, қандай сўрашиш, қаерда ўтириш, қандай сўзлаш, кимларнинг суҳбатида бўлиш муомала маданиятининг мезонлари сифатида қўп бор тилга олинган. Саъдий Шерозий “Ширин сўзли шилгай душман пўстини, дағал сўзли душман килгай дўстини”, дея ўринли таъкидлаган[2].

Муомала жараёнида сўзлашишдан олдин суҳбатдошингизнинг юз-у қўзидағи ифода ёхуд табассуми сиз учун муҳим. У қовоғини солиб гапирса, ўша совуқлик сизгаям қўчиши аниқ, ёки аксинча. Табассум кўпгина муаммоларнинг калити эканини билсак ҳам баъзан амал қилмаймиз. Негадир хоҳламаймиз. Айниқса, бизга бирор бирон бир хизмат ёки илтимос билан келса, афтимизни буриштириб раҳбарлик “виқори” ёдимизга тушибми қовоғимизни солиб оламиз. Ўзимиз сезмаган ҳолда суҳбатимиз оҳангидга кибру ҳаво ҳукмронлик қила бошлайди. Бу мулоҳазалар сизга эриш туюлмаслигини биламан. Ҳаётингиз мобайнида сиз ҳам худди шундай совуққон биронта корхона ёки ташкилот раҳбарчасига учрагансиз. Ундаги манманлик ёхуд сизга бўлган беписандликнинг гувоҳи бўлгансиз. Тўғри, кайфияти ёмон пайтда келибман, юқори ташкилотларнинг биридан дакки еган бўлиши мумкин, деб ўзингизни овутган ҳам бўласиз. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам очиқозлилик, ўзбекона бағрикенглик ва меҳридарёлик ҳалқимиз табиатига хослигини унутмаслик зарур. Баъзан ғарбдаги бехаёлик ва таназзулга юз тутаётган жамият ҳақида гапирамиз.

Ривожланган мамлакатларда қовоқ солиб юриш, хўмрайиш қўча этикасига зид ва хурматсизлик саналади, “инглиз, немис, француз, испан, итальян каби ҳалклар вакиллари оддий мулоқотдан олдин албатта, узр сўрайдилар ва суҳбат охирида миннатдорчилик билдиришни унутмайдилар. Ўзаро суҳбат давомида сизни майин табассум билан сийлаб турадилар. Бу «навбатчи» табассумнинг фойдаси катта, очик юзли одам ҳаммада ҳамиша яхши таассурот қолдиради. Тўғри, ўзининг тушкун қиёфатини, маҳзун ҳолатини бошқаларга ҳам раво кўриш, гўёки ўзининг касалини бошқаларга юқтиришга ўхшайди. Совуққон, тунд қиёфада муомалада бўлувчи кимсалар борасида Мирзо Абдулқодир

Бедил шундай ёзганди: “Яхшилик излама совуқ кишидан, музлаган чечакнинг ҳиди жуда кам.”

Буларнинг барчаси инсон қалбига йўл топиш тилсимларига бориб боғланади. Муомала сирлари ҳақида жуда кўплаб алломалар тадқиқот ишлари олиб боришиган. Ўзбек китобхонларига рус тили орқали бўлса-да, таниш бўлган руҳиятшунос олим Дейл Карнеги одамлар билан муомала қилиш, уларнинг қалбини ром этиш сир-синоатлари ҳақида кўп ва хўп ёзган. Лекин унинг фикр-мулоҳазаларининг аксарияти шарқона менталитетга унчалик мос келмаслиги аниқ. Баъзи мулоҳазалари бизнинг миллий, маънавий ва ахлоқий қарашларимизга тўғри келмаслигини инкор этиб бўлмайди. Умуман олганда, миллатидан, ирқидан қатъий назар инсон руҳияти, талаб ва эҳтиёжларида муштарак жиҳатлар бўлгани учун айрим масалаларда яқинлик ҳам бор. Бугунги устувор масала –ёшлар тарбиясида муомала маданиятини ошириш, умуман, уларнинг маънавий джунёсини соғломлаштириш экан, бу борда миллий ва халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, мақбул йўлни танлаш, ёшлар дунёқарашига мусаффолик олиб кириш жуда муҳимdir.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз ва жамиятимиз томонидан азалдан эъзозланиб, қадрланиб келган тарбия омиллари – хушмуомалалиқ, тўғрисўзлик, хушфеъллик, соғлом фикрлаш сингари эзгу одатлар ёшлар камолотида алоҳида ўринга эга. Оила ва таълим муассасасининг муштарак мақсади бугунги баркамол авлодни камолга етказиш экан, бу борада жамиятдаги ёш авлод тарбиясига таъсир этувчи ҳар бир омилга эътиборли бўлиш, фарзандларни юрт учун манфаатли инсонлар этиб тарбиялашга интилишга барча масъулдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида Қарори ПҚ-2302-сон, 2015 йил 18 февраль, Халқ сўзи, 2015 йил 19 февраль.
2. Шерозий С. Гулистон. –Т.: Ёшлар нашриёт уйи, 2009.
3. Pirmatovich, R. R. (2022). IX-XII ASRLARDA DUNYOVİY ILM-FAN SOHASIDA İJOD QILGAN OLIMLAR VA ULARNING ILMİY MEROSI. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLİLİ ONLAYN ILMİY JURNALI, 2(10), 450-452.
4. Egamberdieva, T., & Alimjonova, M. (2020). PEDAGOGICAL NECESSITY OF DEVELOPMENT OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN STUDENTS IN THE CONDITIONS OF GLOBALISATION OF EDUCATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(6), 277-283.

5. Ibragimjanovna, A. M. (2022). About the Development Competence of Students Intercultural Communicative. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(11), 350-356.
6. Алимжонова, М. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТГА ТАЪСИРИ ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 323-328.
7. Bakhrom, B. (2022). Information technologies in physical culture and sports. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 288-292.
8. Ummatqulov, T. (2022). INSON SOG'LOM BO'LISHIDA VALEOLOGIYA FANINING AHAMIYATI. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(12), 80-88.
9. Rasulova, A., & Karimov, U. (2022). Socio-Pedagogical aspects of the formation of reading culture and skills. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(4), 114-118.
10. Teshaboev, M., & Karimov, U. (2022). THE ROLE OF ETHICAL EDUCATION IN INCREASING THE EFFICIENCY OF EDUCATION. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(02), 32-43.
11. Madimarova, A. I. (2020). The Role of Art in Youth's Aesthetic Education. *Cross-Cultural Communication*, 16(1), 121-123.
12. Madimarova, A. I., & Madaminovich, M. J. (2020, December). THE ISSUE OF FORMATION OF SPIRITUAL AND MORAL VIRTUES IN YOUNG PEOPLE. In *Archive of Conferences* (Vol. 10, No. 1, pp. 175-176).
13. Madimarova, A. I. (2022). The Role of Managers with Modern Knowledge in Improving Management Efficiency. *International Journal of Culture and Modernity*, 14, 78-81.
14. Arzimatova, I. (2019). Art industry development of society and society culture. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(1), 129-134.
15. Норматова, Д. (2022). Абу Райхон Беруний қарашларида шахс ва жамият муносабатларининг ёритилиши. *Общество и инновации*, 3(4/S), 528-533.
16. Норматова, Д. (2022). ДИН МАҲНАВИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА. *Research Focus*, 1(1), 40-45.
17. Норматова, Д. Э. (2021). ИННОВАЦИИ В ОБРАЗОВАНИИ: РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ. *Журнал естественных наук*, 1(1).

18. Норматова, Д. Э. (2019). НРАВСТВЕННОЕ НАСЛЕДИЕ-ВАЖНЫЙ ФАКТОР ДУХОВНОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 157-160.
19. Abdurahmanovich, Y. F. (2022). Features of Human Needs and Interests in Information Society. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, 2(6), 61-66.
20. Юлдашев, Ф. А. (2021). ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ИНСОН ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ. *Scientific progress*, 2(8), 347-356.
21. Yuldashev, F. A. (2021). SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF STUDYING HUMAN NEEDS IN SOCIETY. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1(1), 17-22.
22. YULDASHEV, F., & YULDASHEVA, N. МИРОВАЯ НАУКА. *МИРОВАЯ НАУКА* Учредители: ООО "Институт управления и социально-экономического развития", (10), 13-16.
23. Mukhutdinovich, A. N. (2022). In Matters of Spiritual and Moral Education of Children in the Family, the Alienation of Youth to the Older Generation. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(7), 24-26.
24. Mukhutdinovich, A. N. (2022). Intellectual Culture in Increasing the Innovative Activity of Young People-An Important Criterion. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(7), 134-136.
25. Ahmadiev, N. M. (2020). SPIRITUAL AND MORAL UPBRINGING OF YOUNG PEOPLE IS A FACTOR OF GREAT PROSPECTS. In *ПЕДАГОГИКА. ПРОБЛЕМЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ, ИННОВАЦИИ* (pp. 3-6).
26. Akhmadiev, N. (2019). Factors of raising the level of spiritual and social activity in the youth. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(1), 134-140.
27. Akhmadiev, N. M. (2019). ISLAMIC SPIRITUAL PROSPERITY OF YOUTH IN RELIGIOUS EDUCATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 234-236. Akhmadiev, N. M. (2019). ISLAMIC SPIRITUAL PROSPERITY OF YOUTH IN RELIGIOUS EDUCATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 234-236.
28. Ahmadiev, N. M., & Juraev, I. M. (2019). Family reading-a leading factor in the promotion of youth moral education. *Научные исследования в Кыргызской Республике*, (3), 24-27.
29. Тешабаев, М. М. (2011). Формирование основ нравственной культуры личности в образовательном процессе и гуманистическое мировоззрение. *Credo new*, (1), 19-19.

30. Marifovich, T. M. (2019). Impact of Globalization on Human And Social Culture. *International Journal of Scientific Research And Education*, 7(4).